#### иккинчи булим

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КАРОРИ

## 2015 йилда Қишлоқ жойларда намунавий лойихалар буйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши дастури ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари туррисида

Қайд этиб ўтилсинки, 2009 - 2013 йиллар мобайнида Қишлоқ жойларда намунавий лойихалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши давлат дастурини амалга ошириш натижасида 159 та қишлоқ туманларида 1248 та комплекс тарзда қурилган янги уй-жой массивлари вужудга келтирилиб, уларда жами майдони 4,6 млн квадрат метрдан ортиқ бўлган 33,5 мингтадан кўпроқ замонавий якка тартибдаги шинам уй-жойлар барпо этилди. 1677 км сув таъминоти тармоқлари, 1039 км электр тармоқлари, 1346 км газ таъминоти тармоқлари ва 981 км автомобиль йўллари, шунингдек мингдан зиёд ижтимоий ва бозор инфраструктураси объектлари фойдаланишга топширилди.

Кишлоқ ахоли пунктларининг архитектура-режалаштириш қиёфасини янада тубдан яхшилаш, намунавий лойихалар буйича якка тартибдаги уйжой қурилиши куламини кенгайтириш, қишлоқда транспорт, мухандисликкоммуникация ва ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш хисобига қишлоқ ахолисининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қумитаси ва «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси МЧЖ томонидан «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва «Ипотека банк» АТИБ (иштирок этувчи тижорат банклари), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар хокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2015 йилда Қишлоқ жойларда намунавий лойихалар буйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши дастури 1-иловага\* мувофик, шунингдек 2016 йилда намунавий лойихалар буйича уй-жойлар барпо этиш юзасидан қурилиш ишларига тайёргарлик куришнинг асосий параметрлари 2-иловага\* мувофиқ маъқуллансин.

#### 2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси билан Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ўртасида тузилган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойихасини куп траншли молиялаштириш дастурини амалга ошириш буйича Хадли битимга мувофик 2015 йилда иштирок этувчи тижорат банклари орқали

<sup>\* 1-2-</sup>иловалар рус тилидаги матнда берилган.



**Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.** 



қайта молиялаштириладиган қарзнинг 100,0 млн АҚШ долларигача булган учинчи транши берилиши;

Ислом тараққиёт банки (ИТБ) Директорлар Кенгаши томонидан 2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойихалар буйича якка тартибдаги уй-жойлар ва улар билан бирга инфратузилма объектлари қурилишини молиялаштириш учун ИТБнинг 100,0 млн АҚШ доллари микдоридаги молиявий маблаглари ажратилиши маъқуллангани маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, ОТБ қарзининг учинчи траншини сўндириш, қарз бўйича фоизлар ва комиссияларни тўлаш, шунингдек ИТБнинг молиявий маблагларини устама ҳақи билан бирга қайтариш иштирок этувчи тижорат банклари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблаглари ҳисобидан амалга оширилади.

- 3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига Ўзбекистон Республикаси номидан:
- «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойихасини куп траншли молиялаштириш дастурининг учинчи траншига ОТБ билан қарз битимини;

даврий молиялаштириш учун «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини куп траншли молиялаштириш дастурининг учинчи транши маблағларини ажратиш буйича ОТБга талабномани;

OTБ қарзининг учинчи траншини қайта кредитлаш тўгрисида иштирок этувчи тижорат банклари билан битимни;

- «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойихаси буйича ИТБ билан «Истисна'а» битими ва агентлик битимини:
- «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойиҳаси буйича ИТБнинг молиявий маблағларини қайтариш ва унга хизмат курсатиш туррисида «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ билан битимни имзолаш ваколати берилсин.
- «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ипотека банк» АТИБ «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини куп траншли молиялаштириш дастури доирасидаги қарзнинг учинчи транши буйича ОТБ билан лойиҳавий битимни имзоласинлар.
  - 4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:
- «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойихасини куп траншли молиялаштириш дастурининг учинчи траншига ОТБ билан қарз битими буйича;
- «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойихасини куп траншли молиялаштириш дастури доирасида қарзнинг учинчи траншини қайта кредитлаш турисида иштирок этувчи тижорат банклари билан битим буйича;
- «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойиҳаси юзасидан ИТБ билан «Истисна'а» битими буйича;
- «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойихаси юзасидан ИТБ билан агентлик битими буйича юридик хулосалар берсин.



5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қумитаси, «Узқурилишматериаллари» АК, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар хокимликларининг Дастур доирасидаги ишлар ва 2016 йилда булажак қурилиш ишларининг куламлари кенгайишини хисобга олган холда, 3-иловага\* мувофик, қурилиш индустрияси корхоналарининг амалдаги қувватларини ошириш ҳамда ихтисослаштирилган қушимча қурилиш ташкилотларини барпо этиш чора-тадбирларини амалга ошириш туррисидаги таклифлари қабул қилинсин.

#### 6. 2017 йилнинг 1 январигача:

«Ўзсаноатмашимпэкс» ДАК 4-иловага\* мувофик қишлоқ жойларда намунавий лойихалар буйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши эхтиёжлари учун олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ёгочтахта, томга ёпиладиган металл тунукалар ва ёгоч-пайраха қириндиларидан тайёрланган плиталар учун божхона туловларидан (божхона йигимларидан ташқари), шунингдек улар «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖга сотилганида қушилган қиймат солиғи тулашдан;

ёрдамчи пудратчи ташкилотлар — «тайёр холда топшириш» шарти билан қишлоқ жойларда намунавий лойихалар буйича якка тартибдаги уйжойлар қурилиши доирасида «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ инжиниринг компанияси билан шартномалар тузган пудрат ташкилотлари билан шартнома асосида ўзлари бажарадиган ишлар хажми буйича ягона солиқ туловини тулашдан;

курилиш материаллари ва ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналар — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган руйхат асосида Дастур доирасида «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖга сотиладиган қурилиш материаллари ва ускуналари ҳажми буйича қушилган қиймат солиғи тулашдан, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан ва ягона солиқ туловидан озод этилсин.

7. ОТБ иштирокида «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойихасини куп траншли молиялаштириш дастурини ҳамда ИТБ иштирокида «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш даврида, шунингдек кафолат муддати даврида:

Ўзбекистон Республикасининг норезидент — юридик шахслари (лойиҳаларнинг ижрочилари) фойда солиғи тўлашдан;

мазкур лойихаларни амалга оширишда иштирок этаётган хорижий жисмоний шахслар — жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги тулашдан;

лойихаларни амалга ошириш доирасида ОТБ ва ИТБнинг қарз маблағлари хисобига сотиб олинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) — қушилган қиймат солиғидан озод қилинсин.

Юқорида кўрсатилган имтиёзлар берилиши натижасида бўшайдиган маблаглар суммаси Ўзбекистон Республикасининг лойихаларни амалга оширишга қўшган хиссаси эканлиги белгилаб қўйилсин.



<sup>\* 3-4-</sup>иловалар рус тилидаги матнда берилган.

1 (657)-сон — 7 — 1-модда

- 8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки ва иштирок этувчи тижорат банкларининг қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойихалар буйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун жисмоний шахсларга бериладиган ипотека кредитларининг имтиёзли даврини бир йилдан уч йилга ошириш туррисидаги таклифлари қабул қилинсин.
  - 9. Белгилаб қуйилсинки, 2015 йилнинг 1 февралидан бошлаб:

«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ — қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар буйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши масалаларида якка тартибдаги иморат қурувчилар билан низоларни ҳал этиш турисидаги даъволар буйича;

иштирок этувчи тижорат банклари — қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар буйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун берилган имтиёзли ипотека кредитлари юзасидан қарз олувчиларнинг кредиторлик қарзларини ундириб олиш тургисидаги даъволари буйича умумий юрисдикция судларида давлат божи тулашдан озод қилинадилар.

- 10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, иштирок этувчи тижорат банклари билан биргаликда ҳишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар буйича якка тартибдаги уй-жой ҳурилиши дастурининг маҳсад ва вазифаларини, уни амалга оширишнинг бориши ҳамда ҳишлоқ ҳиёфасини тубдан яҳшилаш, ҳишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш юзасидан ҳабул ҳилинаётган чоратадбирлар оммавий аҳборот воситаларида кенг ҳуламда ёритилишини ташкил ҳилсинлар, ҳурсатув, эшиттириш ва маҳолалар ижтимоий реклама шартларида жойлаштирилишини таъминласинлар.
- 11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига 5-иловага мувофик ўзгартишлар киритилсин.
- 12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

### Узбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш., 2015 йил 7 январь, ПК-2282-сон



1-модда — 8 — 1 (657)-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 январдаги ПҚ−2282-сонли қарорига 5-ИЛОВА

#### Узбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига киритиладиган ўзгартишлар

- 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр холда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш буйича пудрат ишларини кенгайтиришни рагбатлантиришга доир кушимча чора-тадбирлар тургисида» 2009 йил 29 январдаги ПК—1051-сонли карори 3-бандининг биринчи хатбошидаги «2016» рақами «2017» рақами билан алмаштирилсин.
- 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўгрисида» 2009 йил 30 мартдаги ПҚ—1083-сонли қарорида:
- а) 4-бандининг тўртинчи хатбошидаги «(2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фоиз ставкасига тенг)» сўзлари чиқариб ташлансин;
  - б) 6-бандидаги «2016» рақами «2017» рақами билан алмаштирилсин.
- 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой курилиши куламини кенгайтиришга оид кушимча чора-тадбирлар турисида» 2009 йил 3 августдаги ПК-1167-сонли қарорида:
  - а) 3-бандида:

иккинчи хатбошидаги «ҳар йили 1 октябргача» сӱзлари «ҳар йили 1 апрелгача» сӱзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «1 ноябргача бўлган муддатда» сўзлари «хар йили 1 майгача» сўзлари билан алмаштирилсин;

- б) 8-бандидаги «2016» рақами «2017» рақами билан алмаштирилсин;
- в) 9-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «Узбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қуллаб-қувватлашга доир қушимча чора-тадбирлар туррисида» 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сон Фармонининг 4-банди қишлоқ жойларда «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ, Узбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва «Ипотека банк» АТИБ кредитлари хисобидан намунавий лойихалар буйича якка тартибда иморат қурувчиларга, шунингдек мазкур кредитлар буйича қарз олувчи шериклар хисобланувчи уларнинг оила аъзолари (эр, хотин, ота-она, фарзандлар)га нисбатан татбиқ этилсин».
- 4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойихасини куп траншли молиялаштириш дастурини амалга оширишнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари турисида» 2012 йил 11 январдаги ПП-1683-сонли қарорида:
  - а) 1-бандида:

учинчи хатбошидаги «туртта» сузи «учта» сузи билан алмаштирилсин;



1 (657)-сон — 9 — 1-модда

бешинчи хатбошидаги «иккинчи, учинчи ва туртинчи» сузлари «биринчи, иккинчи ва учинчи» сузлари билан алмаштирилсин;

- б) 2-бандининг учинчи хатбошидаги «иккинчи, учинчи ва туртинчи» сузлари «иккинчи ва учинчи» сузлари билан алмаштирилсин.
- 5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар буйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил Дастури тургисида» 2013 йил 4 январдаги ПҚ-1902-сонли қарорида:
- а) 1-бандининг иккинчи хатбошидаги «1, 1а ва 1б-иловаларига» сўзлари «1-иловага» сўзлари билан алмаштирилсин;
- б) 8-бандининг иккинчи хатбошидаги «1б» рақами «1» рақами билан алмаштирилсин;
- в) 1, 1а ва 16-иловалари қуйидаги мазмундаги 1-илова билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 январдаги ПҚ-1902-сонли қарорига 1-ИЛОВА

# 2013 йилда тайёр холда топшириш шартларида кишлок жойларда намунавий лойихалар бўйича якка тартибдаги уй-жой курилишининг АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ

T/p	Худудлар номи	Массивлар сони	Ер массивлари умумий майдони (га)	Уйлар сони
	Республика бўйича жами	353	997,1	10 000
	шу жумладан:			
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	17	100,1	550
2.	Андижон вилояти	45	69,8	900
3.	Бухоро вилояти	36	75	730
4.	Жиззах вилояти	18	43	550
5.	Қашқадарё вилояти	29	96	1 050
6.	Навоий вилояти	20	68,2	600
7.	Наманган вилояти	33	62,8	700
8.	Самарқанд вилояти	28	102,4	1 050
9.	Сурхондарё вилояти	21	98,1	810
10.	Сирдарё вилояти	10	47,5	430
11.	Тошкент вилояти	39	95,8	1 050
12.	Фарғона вилояти	31	77,2	850
13.	Хоразм вилояти	26	61,4	730

<sup>\*</sup> Параметрлар лойиха-смета хужжатлари ишлаб чикилиши ва уйгун-



1-модда — 10 — 1 (657)-сон

лаштирилиши натижаларига қараб белгиланган тартибда тўғрилаб ўзгартирилади.».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда намунавий лойихалар буйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2014 йил Дастури турписида» 2013 йил 15 ноябрдаги ПҚ—2068-сонли қарори 3-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин.

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ипотека банк» АТИБнинг буюртмаларига биноан қишлоқ жойларда намунавий лойихалар буйича якка тартибдаги уйжойларни «калити билан топшириш» шарти асосида қурилишини молиялаштириш учун мақсадли йуналтириладиган миллий валютада фоиз ставкаси йилига 3 фоиз, имтиёзли даври 5 йил булган 15 йил муддатга кредит линияларини очсин;».

